

ЎЗБЕКИСТОН ЁНҒОҚ ЭКСПОРТИДА ҚАЧОН ЕТАКЧИЛАР САФИДАН ЖОЙ ОЛАДИ?

Сиз ҳам эшитгандир-сиз?! Ўтган йили Украинада ёнғоқ экспорти 83 фоиз ўсибди. Ушбу давлат Европа ва Осиё мамлакатларига 67,1 миллион АҚШ долларлик маҳсулот етказиб бериб, соҳада етакчилар сафидан жой олди.

Жаҳон бозорида шириншакар мевалари билан ном қозонган Ўзбекистонда бу борадаги аҳвол қандай? Ўтган йили қанча ёнғоқ экспорт қилинди? Бу кўпчиликни қизиқтириши табиий, албатта.



Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотларга қараганда, 2018 йилда четга 12 534 000 долларлик маҳсулот сотилган. Бу озми ёки кўп?

Аввалги йилдаги кўрсаткич билан таққослайдиган бўлсак, салкам икки баробар камайган. Негаки, 2017 йилда хорижий давлатларга қарийб 24 миллион долларлик маҳсулот етказиб берилган.

Қулай табиий-иқлим шароитига эга мамлакатимизда боғдорчиликнинг мазкур тармоғи ривожини нега ҳамон суст? Ўзбекистон ёнғоқ экспортида қачон етакчилар сафидан жой олади?